O'ZBEKISTON MILLIY KUTUBXONASI MILLIY BIBLIOTEKASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 12 апрель, № 69 (3868) Чоршанба



Фарғона шаҳридаги "Евроосиё Тапо-Диск" Ўзбекистон — Англия қўшма корхонасининг иш бошлаганига саккиз йил бўлди. Бу ерда энг замонавий технологиялар асосида иш юритилади.

Мустаҳкам, ишончли, ўзимизники!

Дастлаб автомобиллар учун саккиз турдаги дисклар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 56 тага етди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳсулот сифати ва пишиқлиги бўйича жаҳон талабларига жавоб бераётганлиги учун халқаро сертификатга лойиқ, деб топилган.

Илгари корхонада диск тайёрлаш учун зарур бўладиган айрим компонентлар ҳам хориждан олиб келинарди. Эндиликда улар шу ерда ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса жамоада маҳаллийлаштириш дастурининг тўлиқ ижро этилаётганлигидан далолат беради.

СУРАТЛАРДА: оператор Жалолиддин Муҳаммедов; ишчи Жамила Мамажонова; корхона цехларидан бирининг умумий кўриниши.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Вячеслав Аркадьевич Голишев Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Б.А.Хўжаевни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Ботир Асадиллаевич Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Вячеслав Аркадьевич Голишев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 апрель.

Брюсселдаги Қироллик санъат ва тарих институтида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Тадбирда Бельгия сиёсий, ишбилармон ҳамда академик доиралари, Брюсселда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси вакиллари, уч юздан зиёд журналистлар иштирок этди.

Амир Темур юбилейи Брюсселда нишонланди

Қироллик санъат ва тарих музейи бош директори Анн Каен-Делей конференцияни очар экан, буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурга бағишланган конференцияни ташкиллаштириш музей ходимлари учун катта шараф эканини таъкидлади.

Асосий маърузачи – Париждаги Темурийлар санъати ва тарихини ўрганиш уюшмаси президенти, таниқли француз олими Люсьен Керен конференцияга кўкрагига «Шуҳрат» медалини таққан ҳолда келди. Ушбу мукофотни у Президент И.А.Каримовдан 1996 йили ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Амир Темурнинг 660 йиллиги нишонланаётган пайтда олган.

Профессор Л.Керен ўз чиқишида Амир Темурнинг Европа тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталди.

Конференцияда сўзга чиққан Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев ва Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси Владимир Норов Амир Темур мураккаб тарихий даврда миллатни бирлаштиргани, тарқоқ ўлкалар ва халқларни жипслаштириб, кучли марказлашган давлат барпо этгани, унинг ҳукмронлигида иқтисодиёт, фан ва маданият гуллабяшнагани, кенг кўламли халқаро иқтисодий ва савдо алоқалари ўрнатганини қайд этдилар.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА мухбири.

Брюссель.

Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги олдидан

АҲИЛЛИК ВА БАРАКА

Одамзоднинг табиати қизиқ: ҳаётда рўй берадиган катта-катта ишларда кўпинча ўзи иштирокчи ёки ижрочи бўлади, аммо ҳар доим ҳам унинг нечоғли оламшумул ёхуд ноёб воқеа эканига эътибор беравермайди. Йиллар ўтиб, ўша воқеа рўй берган вақтдан узоқлашганимиз сари унинг аҳамияти, буюклиги ёрқинроқ намоён бўлаверади. Гоҳида "Наҳотки, ўша воқеаларда мен ҳам иштирок этган бўлсам?" деб ҳайратга тушамиз.

Назаримда, бугунги авлод ҳам ана шундай хусусиятлардан холи эмас. Бинобарин, истиқлолга эришганимиздан кейинги ҳар йилда, ҳаттоки ҳар ойда мамлакатимизда не-не улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Ўз автомобилларимизни чиқара бошлаганимиз, ғалла, нефть, электр энергияси каби ўта муҳим соҳалардаги бетимсол ютуқларимиз, шаҳару қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бораётгани, сон-саноқсиз муҳташам иншоотлар ҳамда санъат кошоналари бунёд этилаётгани, хорижий мамлакатларда кўриб ҳавас қилганимиз каби маҳобатли кўприклару равон йўллар қурилаётгани... Буларнинг қай бирини санайсиз. Уларнинг ҳаммаси ўзига хос, бетакрор ишлар. Очиғини айтганда, биз бундай улуғвор ўзгаришларга оддий воқеа сифатида қарайдиган бўлиб қолдик, чунки булар бизнинг кундалик ишларимизга, одатий ҳолга айланиб бораётир. Ўн-ўн беш йил бурун деҳқонларимиз «фермер» деган тушунчани ҳам билмасди. Бугун ўзбек фермери ривожланган мамлакатлардаги фермерлардан қолишмайди: меҳнатга муносабатда ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини билишда ҳам...

Энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккури, фикрлаш тарзи ўзгарди. Зотан, истиқлол, аввало, онгимиздаги, тасаввуримиздаги занжирни парчалади. Эркин фикрловчи одам буюк ишларга қодир бўлади. Инсон заковати, тафаккурининг чегараси йўқ. Мустабид тузум онгимизни, фикрлашимизни қолипга солиб қўйган эди. Шу боис эркин гапириш у ёқда турсин, ҳатто бемалол фикрлашдан ҳам чўчир эдик...

Қишлоқ хўжалиги — юртимиз учун ғоят муҳим соҳа. Аҳолининг аксарияти қишлоқда яшаши билан бир қаторда асосий даромад манбаимиз — халқимиз ризқу рўзи ҳам қишлоқда. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов қишлоқ хўжалигига ҳамиша устувор аҳамият қаратиб келади. Кейинги йилларда бу эътибор янада кучайди. Эътироф қилайлик, сўнгги икки-уч йилда қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар рўй берди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мисли кўрилмаган ҳосил олина бошлади. Бунинг сабаблари, аввало, Юртбошимизнинг қатор фармонлари, қарорлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, мазкур соҳада ҳам қатъий тартиб-интизом ўрнатилмоқда, бош-бошдоқликка, талон-торожликка, ўзибўларчиликка чек қўйилаётир. Қоғоздаги ҳисоботларга эмас, амалдаги ишларга, халқона айтганда, даладагисига эмас, хирмондагисига қараб баҳо берилмоқда. Даладаги меҳнатни рағбатлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Деҳқонларнинг етиштирган ҳосилию қилган меҳнати учун ойлаб, ҳатто йиллаб ҳақини ололмай юришига барҳам берилди. Барча ресурслардан самарали фойдаланишга эътибор кучайди. Керак бўлса, ҳар бир килограмм ўғит, ҳар бир литр ёнилғи қаерга ишлатилди-ю, қандай самара бергани таҳлил қилинмоқда. Бошқача айтганда, ҳисобот учун, кимларгадир яхши кўриниш учун эмас, пировард натижа учун меҳнат қилишга даъват этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Хушхабар

Ўткирбекнинг навбатдаги зафари

Бугун ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларини жуда кўп мамлакатларда яхши билишади. Чунки юртимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор сабабли, бокс бўйича Олимпиада, жаҳон ва Осиё чемпионлари тобора кўпаймоқда.

Куни кеча Бангкокда якунланган Таиланд қироли кубоги халқаро турнирида дунёнинг 20 га яқин мамлакатидан келган 108 нафар боксчи ғолиблик учун рингга чиқди.

Унда Афина Олимпиадаси бронза медали совриндори, жаҳон ва Осиё чемпионлари, андижонлик Ўткирбек Ҳайдаров ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Ҳамюртимизнинг финалда сурия-лик номдор боксчини катта устунлик билан мағлубиятга учратгани мутахассису мухлислар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, Андижон вилоятининг яна бир вакили Баҳодир Султонов ва фарғоналик Дилшод Маҳмудовлар кумуш медаллар эгаси бўлишди. Тошкентлик Жасур Матчонов эса ўз вазн тоифасида бронза медали билан кифояланди.

Ўзбекистон Бокс федерацияси бош котиби Алишер Қодировнинг таъкидлашича, мазкур турнир боксчиларимиз учун жорий йилда Қатар пойтахти Доҳада ўтадиган Осиё ўйинлари олдидан катта тайёргарлик вазифасини ўтади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Касаначилик

Меҳнати – уйда, даромади – корхонада

Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги спорт жиҳозлари тайёрлашга ихтисослашган «Хўжаобод» масъулияти чекланган жамиятида касаначилик йўлга қўйилгач, 250 нафар ҳунарманд шу юмуш билан шуғуллана бошлади

Корхона раҳбарининг ўринбосари Жамолиддин Абдуллаевнинг айтишича, бу ердан ўқув юртлари, спорт машғулотлари, корхона ва ташкилотлар, соғломлаштириш шохобчаларига 35 турдаги спорт анжомлари, болалар сумкалари етказиб берилади. Курашчилар кийимлари, футбол, волейбол, гандбол тўрлари эса асосан касаначилик меҳнати билан яратилади.

Шу жиҳатдан қараганда, Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва ҳукуматнинг тегишли қарори бу жамоа учун айни муддао бўлди. Негаки, ушбу ҳужжатлар туфайли иш билан банд бўлмаган аҳолининг муайян қисмини ишлаб чиқаришга жалб этишнинг ҳуқуқий асослари яратиб берилди.

— Меҳнатнинг бу тури менга ўхшашларга жуда қўл келди, — дейди Ўғилхон Абуллаева. — Хомашёни корхонадан олиб, икки кунда битта футбол ёки волейбол тўрини тўқийман. Бир ой ичида эса 250-400 минг сўмлик тайёр маҳсулот топшираман. Шунинг эвазига 25-40 минг сўм иш ҳақи оламан. Рўзғорга барака бу ҳам.

Хўжаободликлар ўтган йили 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўз мижозларига етказиб берган бўлсалар, унинг 3,5 миллион сўмлиги касаначилар ҳиссасига тўғри келгани қувонарлидир.

— Бу йил касаначилар сафини янада кенгайтирмоқчимиз, — дейди Жамолиддин. — Ўрта мактабни битиргач, турли сабаблар билан бекор ўтирган тўқкиз нафар қиз билан шартнома тузидик. Яна ўн беш нафар опаларимизни ҳам уй меҳнатига жалб этмоқчимиз.

Маълумки, Андижон вилояти мамлакатимизнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларидан саналади. Шу боис аҳолини иш ва сармоя билан таъминлаш, одамларнинг бошқалардан кам бўлмайдиган даражада ҳаёт кечириши учун шароит яратиб бериш кун тартибидаги энг долзарб масалалар сирасига киради. Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига асосан, жорий йилда уй меҳнати билан шуғулланувчилар сонини 10.000 тага етказиш кўзда тутилган эди. Амалда эса, ҳозиргача уларнинг сони 14.000 нафарга етай, деб қолди.

Таъкидлаш керакки, вилоятдаги ўнлаб корхоналарнинг раҳбарлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, шартнома асосида уй меҳнатини ташкил этишга киришдилар. Чунончи, «Хўжаобод тикув-трикотаж» ҳиссадорлик жамиятида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 30 та, «Чинобод йигирув-тўқув» акциядорлик жамиятида тикувчилик соҳасида 20 та ишчи ўрни яратилди. «RT KVART SERVIS» масъулияти чекланган жамияти устки кийим ва болалар пойабзали тайёрлаш бўйича 40, «Ал-Барака» хусусий корхонаси бўлса тикувчилик йўналиши бўйича 50 та касаначилик меҳнатини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Ҳунармандлар ўз маҳсулотлари ва буюмларини қаерда сотадилар? Бу масала ҳам ҳисобга олиниб, Андижон шаҳридаги «Узум бозори» ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконлардан 9 таси уларга имтиёзли тартибда ижарага берилди.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Ўктамжон Ҳайдаров касаначилик ривожида уюшмалар алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Уюшмалар қисқа вақт ичида 300 нафардан кўпроқ ҳунармандларнинг бошини қовуштирди. Мисол учун, Мирзабаҳром Абдуваҳобов бош-қош бўлган кулолчилик уюшмасини олиб кўрайлик. Уларнинг саъй-ҳаракати билан иккита кулолчилик цехи очилиб, ўнлаб ёшлар ишли бўлди.

Яна бир хусусий тадбиркор Азизбек Қодиров эса уч миллион сўм кредит ҳисобига кулолчилик цехи барпо этди. Бу ерда аввалига 15 киши шу ҳунар билан машғул бўлган бўлса, эндиликда уларнинг сафи 45 кишига кўпайди. Ана шу ҳунармандлар ҳар ойда 5 турдаги 130-135 минг дона чинни буюмлар тайёрламоқдалар.

Биз Балиқчидаги спорт анжомлари тайёрланаётган корхонада бўлганимизда, футбол, волейбол, баскетбол тўплари, бокс қўлқопи, кураш кўрпаси, полвонлар кийимларининг бежиримлиги, сифатининг яхшилиги, пишиқ-пухталигидан дилимиз равшан тортди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бу анжомларнинг ҳаммаси хориж маҳсулотларидан асло қолишмайди. Демак, уй меҳнатини ташкил этиш тараддудида юрган корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар маркетинг масаласига ҳам эътибор қаратмоғи зарур.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АҲИЛЛИК ВА БАРАКА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини қайта-қайта ўқидим. Ниҳоятда муҳим, зарур ҳужжат. Ушбу қарорнинг иқтисодий жиҳатларини, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамиятини иқтисодчилар, мутахассислар айтишар, таҳлил қилишар. Мен масаланинг ижтимоий ва маънавий томонларига кўпроқ эътибор бердим. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга биттадан соғлом сигир (эътибор беринг, соғлом сигир) берилиши, унинг ем-хашагини таъминлаш, боз устига, имтиёзли микрокредитлар ажратиш. Буларнинг иқтисодий жиҳатини бир томонга қўйиб, маънавий тарафига эътибор бер-сангиз ҳам нақадар савобли, улуғвор иш эканини англайсиз. Тасаввур қилинг: кам таъминланган бир оилага кимдир соғин сигирни келтириб берса, ўша оила аъзоларининг кўнгли тоғдай кўтарилмайдими?! Инсон сифатида қадр-қиммати ўрнига қўйилаётганидан, энг муҳими, шуни тушунадиган одамлар борлигидан боши осмонга етмайдими?! Сигирнинг ем-хашагини таъминлаш кафолатланган бўлса, бошқа харажатлар учун банклар микрокредит берса, ўз молига қарагани учун меҳнат дафтарчаси очилса, вақт-соати келиб пенсия ёшига етганда ўша меҳнат дафтарчаси бўйича пенсия олиши тайин бўлса... Бир-бирига мурувват кўрсатиш, бева-бечора ва етимесирнинг бошини силаш халқимизга хос одатлардан эканига яна бир далил эмасми булар?! Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бу хислату фазилатлар янада қадр топганининг амалий исботи эмасми?! "Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиш керак" деган ҳикматли гапни Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айтган эди. Ва бу даъват ҳеч қачон кун тартибидан тушгани йўқ. Бу йил юртимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши ҳам яна шу даъватнинг мантиқий давоми, амалий ифодасидир.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким,
каъба вайрон бўлса,
обод айлагай.

Алишер Навоий ҳазратларининг бу сўзлари ҳамиша ёдимизда. Наинки ёдимизда, балки ўз фаолиятимизда унга амал қиламиз.

Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва юқорида эслатилган қарори айнан мана шу йилда қабул қилингани ҳам ҳақиқий ҳомийликнинг ёрқин намунасидир. Дастлабки маълумотларга қараганда, 21 минг 650 оилага соғин сигир бериш мўлжалланмоқда. Бу эса тўрт миллион кишини иш билан таъминлаш имконини берар экан.

Халқимиз бу қарорни ниҳоятда катта мамнуният билан қабул қилди, жойларда унинг ижросига жиддий киришилди, ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Яқинда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, узоқ Чимбой, Мўйноқ туманларида турли соҳада ишловчи одамлар билан суҳбатлашдим. Улар Юртбошимизнинг мазкур қароридан миннатдорлигини тўлқинланиб гапирмоқдалар. Бу қарорнинг тўла ижроси кўпгина муаммоларни бартараф этишига ишонч билдирмоқдалар.

Мазкур қарор ва унда кўзда тутилган имтиёзларни ўқиб, болалик йилларимни эсладим. Ўша пайтларда (ўтган асрнинг 60-йилларида) ҳар бир оилага битта сигир ва учта майда мол боқишга рухсат берилган, ундан ортиқ бўлса, давлат ҳисобига олиб қўйилар эди. Вақти-вақти билан махсус комиссия қишлоқ оралаб, уйма-уй кириб, одамларнинг молини санаб чиқарди. Шунда биз, болалар «норма»дан ортиқча молларимизни яшириш ниятида дашту далаларга, қир-адирларга ҳайдаб кетар эдик. Токи комиссия Биргина мана шу мисолларнинг ўзиёқ истиқлол халқимиз учун, миллатимиз учун бетимсол имкониятлар яратиб бераётганини кўрсатиб турибди. Ҳолбуки, бундай мисоллар сон-саноқсиз. Озгина инсофу диёнати бор одам кўриб, эътироф этаётир. Аммо ютуқларимизни кўролмаётган, аслида бизни ўз йўриғига юргизмоқчи бўлиб, мақсадига эриша олмаётганлар тирноқ остидан кир қидирмоқда. Камчиликларимизни айтса-ку майли, тан оламиз. Чунки ўзимиз ҳам биламиз камчиликларимиз борлигини ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдамиз. Аслида камчилигу нуқсонларсиз мамлакат, халқ борми? «Беайб парвардигор», деган нақл бежиз айтилмаган. Ғанимларимиз баъзан шу даражада майдалашиб кетадики, юртимизда мутлақо йўқ, халқимиз табиатига зид одатларни туфлаб ёпиштирмоқчи бўлишади. Машҳур инглиз драматурги Бернард Шоунинг бир гапи бор: ҳақиқий дўст кулфатда эмас, қувончли кунларда билинади, чунки бировнинг дардига ҳамдард бўлишдан кўра, қувончига шерик бўлиш қийинроқ. Ғоят теран мазмунли фикр. Бизнинг хориждаги баъзи "дўстларимиз" ҳам қувончимизга шерик бўлишдан кўра, дардимизга ҳамдард бўлишни (бу ҳам аслида чин дилдан эмас) маъқул кўрадилар...

Хўш, Президентимизнинг юқорида эслатилган қарорида яна қандай мақсадлар назарда тутилган? Энди масаланинг пировард натижасига эътибор беринг. Ҳар бир оилада сигир, қўй-эчки бўлса, демак, гўшт кўпаяди, сут ва сут маҳсулотлари кўпаяди. Бу — халқимиз турмуши яна ҳам фаровон бўлади дегани. Бу — соғлом авлод вояга етиши учун муҳим омил дегани.

Шу ўринда бир ривоят ёдга тушади. Ибн Сино ўлим тўшагида ётганида шогирдлари "Устоз, Сиз бу дунёдан кетсангиз одамларни ким даволайди?", деб йиғлашган экан. Шунда машҳур табиб "Мен кетсам, сут-қатиқ қолаяпти-ку" деб жавоб берган экан. Инсон саломатлиги учун сут-қатиқнинг аҳамияти шу қадар муҳим.

Соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Юртбошимизнинг мазкур қароридан кўзланган асл мақсад ҳам ана шу. Буюк мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган улуғвор ишларнинг навбатдагиси бу.

Демак, Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат, қабул қилинаётган ҳар бир фармон, қарор ёки қонун замирида инсон манфаати, Ватан тараққиёти, юрт равнақи мужассам. Халқимиз буни билади, дилдан ҳис этади. Шу боис бир жону бир тан бўлиб, турли қутқую иғволарга учмай, ҳар хил ғаламисларнинг ёлғон ваъдаю даъватларига ишонмай, Юртбошимиз раҳнамолигида ўзи танлаган эзгулик ва бунёдкорлик йўлидан оғишмай бормоқда. Бинобарин, аҳиллик бор жойда барака бор, ўсиш ва тараққиёт бор. Зотан, ўтган ўн беш йил давомида халқимиз яхши кунларни ҳам, ташвишларни ҳам кўрди, бошидан кечирди. Энди биз олдинги содда, ишонувчан одамлар эмасмиз, кимнинг кимлигини, дўст билан душманни ажрата оламиз. Назаримда, энг катта ютуғимиз ана шунда.

Ҳа, бугун юртимизда амалга оширилаётган улуғвор ишлар, амалга оширилаётган ҳужжатлар ва уларнинг самаралари Ватанимиз тарихи солномасига ёзилади. Йиллар ўтади, даврлар алмашади, келгуси авлодлар бугунги ишларнинг нечоғли улуғворлигига, қисқа фурсатларда ақлбовар қилмас даражада улкан қадамлар қўйилганига ўз баҳосини беради. Ва ўзидан кейинги авлодга ана шу ишлардан ўрнак олишни тавсия этиши шубҳасиз...

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ.

ГАЗЕТХОН сўз сўрайди

Шукрона

Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Шукурки, асрий орзуларимиз ижобат бўлиб истиқлолга эришдик. Муқаддас динимиз, тарихий меросимиз элимизга армуғон этилди, боболаримиз қалбидаги эзгу армонлар ушалди. Улуғ аждодларимиз қадамжолари обод этилаяпти.

Миллий истиқлол ғояси ёшларимиз онгига сингдирилиб, уларнинг шахс ва жамият ҳақидаги тушунчалари ошиб бормоқда. Ҳар бир ёшнинг миллати ва юртига бўлган меҳру муҳаббатини кўриб, ёт ғоя ва иллатларнинг уларга таъсир эта олмаслигига қаттиқ ишонч ҳосил қиласан, киши.

Илоҳо, осойишта ва обод кунларимиз бардавом бўлсин!

Фармонқул РАСУЛОВ.
Қашқадарё вилояти.

Аризадан кейинги ариза

Ноҳақликка ким чек қўяди?

Биз 12-касбий ёнғин хавфсизлиги қисмидаги мутасадди раҳбарларнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан таҳририятга шикоят йўллагандик.

Хатимиз вилоят прокуратурасига юборилгани, улар эса туман прокуратурасига чора кўриш учун хат йўллашганидан хабаримиз бор. Бироқ биз текширув натижалари ҳақида ҳеч қандай жавоб олганимиз йўқ.

Ахир қисмимиздаги ишчилар касбий имтиҳондан ўтолмади, дея вазифасидан озод этиларверса, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари авж олаверса, бу ноҳақликларга ким чек қўяди?

П. МУСАЕВ ва бошқалар.
Қумқўрғон тумани.

Умид

Кимдан нажот кутайлик?

Бизнинг «Аргун» маҳалламиздан Навоий шаҳри «Халқлар дўстлиги» кўчаси ва Кармана тумани К.Қаршиев кўчаларини бирлаштирувчи йўл ўтказишмоқчи.

Бу йўлни бунёд этиш учун қарийб ўн беш оиланинг ҳовли-жойи бузилиши керак. Бу ҳақда 20 йилдан буён гапирилса-да, мутасаддилар шу пайтгача бизларни янги уй-жой билан таъминлашмади. Энди эса эшигимизнинг олдигача ерлар текисланиб келди ҳамки, бизларга уй қуриш учун на ер, на вақтинча яшашга уй ва на қўлимизга уйимизнинг баҳосида пул беришди.

Билишимизча, бу муаммо республика йўл қурилиши идорасига таалуқли экан. Навоий шаҳрида катта-катта саноат корхоналари мавжуд бўла туриб, улар бизга ёрдам қўлини чўзолмайдими? Шундай пайтда кўмак беришса бўлади-ку?!

С.СОДИҚОВА ва бошқалар.
Кармана тумани.

Муаммо

Рўйхатга олинмаган «иссиқлик»

Қиргулидаги «Фарғона» кўчаси, 49-уйда истиқомат қиламиз. Уйимизда иситиш тармоқлари ишдан чиққан. Бу ҳақда тегишли жойларга мурожаат қилиб кўрдик, лекин нафи бўлмади.

Қизиғи шундаки, мавсум бошида ҳар бир маҳалла учун масъул ходимлар иссиқ сув келадиган қувурларни текшириб чиқишади. Ҳақиқий аҳволни билишса-да, билмаганликка олишади. Кейинги пайтларда кўпгина хонадонларда иситиш тармоғи йўқлиги сабабли, электр печлардан фойдаланилмоқда. Бундай ҳолат қачонгача давом этади?

Лекин йўқ иссиқ сув учун тўлов тўлашни талаб қилувчилар кўп. Уларга "Иссиқ сув тармоқлари ишдан чиққан, уйимиз исимайди" десак, "Ҳужжати қани?" деб сўрашади. Ваҳоланки, бир неча бор ариза билан мурожаат қилганимизда, ўзлари уни рўйхатга ҳам олишмаган. Бунга ким айбдор? Бир неча йилдан буён қишда иссиқликдан фойдаланолмай чиққанларми ёки уйлардаги ҳақиқий аҳвол билан вақтида танишмаган иссиқлик манбаидагиларми?

Раъно ҲИММАТҚУЛОВА.
Фарғона шаҳри.

Анжуман

Соғлиқни сақлаш борасидаги ислоҳотлар натижасида тиббиётга оила шифокори, деган янги соҳа кириб келди. Эндиликда соғлом турмуш тарзи барча учун бирдай қоидага айланишида айни шу бўғин ходимлари кўпроқ жон куйдиришмоқда.

Шифокор – оила ғамхўри

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда мазкур йўналишдаги ишларнинг аҳволи, фаолиятни янада яхшилаш борасидаги долзарб вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Оила шифокори чиндан ҳам тиббий маданиятни шакллантиришда катта куч. Шундай экан, унга нисбатан маҳалла ишончини ошириш, тиббиёт профилактикаси моҳиятини фуқаролар онгига сингдиришда мазкур бўғинда хизмат қилаётганлар кучидан самарали фойдаланиш лозим. Анжуманда сўзга чиққан республика «Оила» илмий-амалий маркази директори В. Каримова, вилоят ҳокими ўринбосари С. Раҳимова ва бошқалар шу сингари долзарб вазифалар ҳақида фикр юритишди.

Илмий-амалий анжуман иштирокчилари жойлардаги бир қатор оилавий шифохоналарда бўлиб, тиббий хизматнинг янги тури имкониятлари билан яқиндан танишдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун ғалла экилган майдонлар ям-яшил тусга кириб, инжа гўзаллик кашф этган. Шунданми, норинлик фермер Жамолиддин Ботиров ғалла экилган майдонлар бўйлаб ҳар тонг сайр қилишни одат қилган.

— Яшиллик инсоннинг кайфиятини кўтаради, янги-янги ғоялар туғилишига илҳомлантиради, қилинажак ишларингни режалаштиришда қанот беради, — дейди фермер.— Бугунги майса эртага ризқ-насиба манбаи, омбор тўла донга айланишини ўйлаб, кўнглинг тоғдек кўтарилади.

Қарийб 35 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган Жамолиддиннинг жорий йилдан умиди катта. Ғалладан 70, пахтадан 45 центнер ҳосил олиш нияти бор. Эрта баҳордан қилинаётган барча ҳаракатлар ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

СУРАТДА: Жамолиддин Ботиров ғаллазорда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбошимчалик қимматга тушди

Каттақўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Туйғу-АЗИ» хусусий корхонасининг банкдаги ҳисоб рақами орқали амалга оширилган пул маблағлари ҳаракатини таҳлил қилишганда, бу ерда кўпол қоидабузарликка йўл қўйилганини аниқлашди. 2002 йилнинг 15 майида туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтган мазкур корхонанинг фаолият тури — паррандачилик. У 2005 йилнинг 11 декабригача АТ «Тадбиркорбанк»нинг Каттақўрғон шаҳар бўлими хизматидан фойдаланган. Аммо амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилинмаган. Ҳатто солиқ инспекциясига ҳисоботларни вақтида тақдим этишмаган.

Шу боис туман давлат солиқ инспекцияси 2005 йилнинг 19 июнида мазкур банк бўлимига корхона ҳисоб рақами орқали операцияларни амалга оширишни тўхтатиш ҳақида кўрсатма юборган. Аммо бунга банк бўлими ҳам, хусусий корхона ҳам амал қилмаган. Хусусий корхона раҳбари А. Тоиров бундай хато-камчиликларни тузатиш ўрнига уларни яшириш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Каттақўрғон шаҳар бўлимида янги ҳисоб рақами очишни афзал кўрган.

Ушбу банк бўлими бошқарувчиси эса, туман давлат солиқ инспекцияси розилигисиз, А. Тоировнинг бемалол ишлашига шароит яратиб берган. Энг ачинарлиси, тадбиркорнинг ҳисоб рақами очилганлиги тўғрисидаги маълумотномани солиқ идорасига 16 кун кечиктириб топширган. Бу билан банк бўлими «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини ҳамда Марказий банк бошқарувининг 2001 йил 6 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварағи тўғрисидаги йўриқнома» тартибига амал қилиш қоидаларини бузган.

Бунга қадар АТ «Тадбиркорбанк»нинг Каттақўрғон шаҳар бўлими ҳам туман давлат солиқ инспекциясининг кўрсатмасига зид равишда «Туйғу-АЗИ»га хизмат кўрсатишни давом эттираверган. Оқибатда

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

2005 йилнинг 19 июнидан 11 декабрига қадар корхонанинг банкдаги ҳисоб рақами орқали 642158 сўм дебет айланмаси амалга оширилган.

— Мазкур корхонада ҳозирга қадар солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилмаган эди, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи М. Санаев. — Аммо улар томонидан солиқ ҳисоботлари вақтида тақдим этилмагани бизда шубҳа уйғотди. Шу сабаб корхонанинг банкдаги ҳисоб рақами орқали айланган пул маблағларини таҳлил қилдик. Натижа шуни кўрсатдики, хусусий корхонанинг ҳисоб рақамига қисқа вақт ичида унинг фаолиятига тўғри келмайдиган 63 турдаги, асосан, ноликвид товарлар ва хизматлар, бажарилган ишлар учун катта миқдорда маблағ — 1727944,6 минг сўм келиб тушган. Бу маблағларнинг асосий қисми юқори ликвидли бўлган шакар маҳсулоти хариди учун ўтказилган. Аммо шакар савдосидан корхона ҳисоб рақамига бор-йўғи 400 минг сўм, шунингдек, озиқ-овқат товларидан 1201 минг сўм маблағ келиб тушган. Қолган 1715534,6 минг сўм эса корхона ҳисоб рақамига кирим қилинмаган.

Бундан ташқари, хўжалик совуни учун 18000 минг сўм кўчирилиб, ушбу маҳсулот савдосидан атиги 440 минг сўм кирим қилинган. Қандолатчилик маҳсулотларига ўтказилган 33500 минг сўм пулнинг эса бир сўми ҳам корхонага қайтмаган.

Мазкур операциялар Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Каттақўрғон шаҳар бўлими орқали амалга оширилганига нима дейсиз? Нақотки, ана шу хусусий корхона ҳаракатларининг қонунга зидлигини молия муассасасидагилар билишмаган бўлса?! Боз устига, корхона фаолияти савдо сотиқ эмас, паррандачилик эди-ку?!

Хуллас, эндиликда «Туйғу-АЗИ» билан бир қаторда унга ноқонуний операцияларни амалга оширишга шароит яратиб берган ҳар иккала муассаса — акционерлик тижорат «Тадбиркорбанк»и ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Каттақўрғон бўлимлари раҳбарларининг ҳам қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 11 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	884,55
1 Англия фунт стерлинги	2120,30
1 Дания кронаси	197,35
1 БАА дирҳами	330,86
1 АҚШ доллари	1215,21
1 Миср фунти	211,51
1 Исландия кронаси	16,64
1 Канада доллари	1058,55
1 Хитой юани	151,71
1 Малайзия рингити	331,35
1 Польша злотийси	370,95
1 СДР	1756,78
1 Туркия лираси	908,91
1 Швейцария франки	935,28
1 ЕВРО	1472,11
10 Жанубий Корея вони	12,78
10 Япония иенаси	103,05
1 Россия рубли	44,02
1 Украина гривнаси	240,64

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Натижалар эълон қилинди

Хабарингиз бор, бундан икки ҳафта олдин Украинада парламент сайловлари бўлиб ўтган эди. Кеча Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаларини расман эълон қилди. Мухолифатдаги Виктор Янукович етакчилик қилаётган «Партия регионов» 32,14 фоиз овоз билан Олий Радада энг кўп ўринни эгаллади.

«Тимошенко блоки» 22,29 фоиз овоз билан иккинчи ўринни банд этди. Амалдаги президент Виктор Юшченко етакчилигидаги «Наша Украина» партияси 19,95 фоиз овоз олди. Социалистлар 5,69, коммунистлар эса бор-йўғи 3,66 фоиз овоз билан сайлов кампаниясини якунладилар.

Айни пайтда мамлакатдаги сиёсий кучлар ўртасида бошқарув коалиция тузиш масаласида музокаралар давом этяпти. «Наша Украина», «Тимошенко блоки» ва социалистлар коалиция тузадиган бўлса, Юлия Тимошенко яна Бош вазирлик курсисини эгаллаши мумкин. Эслатиб ўтамиз, ўзгартирилган конституцияга мувофиқ, янги иш бошлайдиган парламент мамлакат Бош вазирини тайинлайди. Янги Бош вазирга эса президент ваколатларининг бир қисми ўтади.

Вазир коррупцияга аралашганми?

Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер Саддам Хусайн режими даврида дон экспорти билан шуғулланган фирма вакилларидан пора олганликда айбланяпти. Вазир мазкур масалани ўрганаётган комиссияга кўрсатма берди. У ўзига қўйилаётган барча айбловларни рад этди.

Австралиядаги энг катта компаниялардан бири

AWB Ltd бундан етти йил олдин пора эвазига расмий Бағдодга кўп миқдорда дон маҳсулотлари етказиб беришни ўз зиммасига олган. Ўша пайтда Бағдоддаги Австралия элчихонаси ходимлари вазирни бу шубҳали битим тўғрисида огоҳлантирган. Даунер эса бунга бефарқ қараган. Комиссия маълумотларига қараганда, компания Саддам Ҳусайндан 200 миллион доллар миқдорида пора олган.

Ўтаётган ҳафта охирида мамлакат Бош вазири Жон Ховард ҳам комиссияга кўрсатма бериши кутилаяпти.

АҚШнинг бир қатор штатлари ва шаҳарларида мамлакатдаги 11 миллион нафардан ортиқ ноқонуний муҳожирларни қўллаб-қувватлаб намойишлар бўлиб ўтмоқда. Тахмин қилинишича, намойишларда бир неча миллион аҳоли иштирок этаяпти.

Муҳожирларни қўллаб-қувватлаб

Эслатиб ўтамиз, бундан бир муддат олдин Конгрессда мамлакатдаги ноқонуний муҳожирларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси муҳокамаси бошланганди. Касаба уюшмалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, университетлар ва диний жамоалар Конгрессга мурожаат қилиб, муҳожирларга мамлакатда қолиб ишлашларига рухсат берувчи қонун қабул қилишларини сўрашаяпти. АҚШ Президенти Жорж Буш эса янги бир таклиф билан чиқди. Унга кўра, ноқонуний муҳожирларга ўзларининг мақомларини қонунийлаштиришга имконият берилиши лозим.

Сўл марказчилар ғалабаси

Италия парламенти учун бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки расмий натижалари эълон қилинди.

Бунга кўра, Романо Проди бошчилик қилаётган сўл марказчилар коалицияси жуда кичик фарқ билан ғалаба қилди. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, сўл марказчилар 49,8 фоиз, Сильвио Берлускони коалицияси эса 49,7 фоиз овоз тўплашди. Натижалар эълон қилингандан сўнг Сильвио Берлускони ўз рақиблари ғалабасини тан олганлиги тўғрисидаги баёнот билан чиқди.

Манбада айтилишича, Италия тарихида биринчи бор 85 фоиз аҳоли сайловларда қатнашган. Охирги сайлов натижалари кейинроқ эълон қилинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Савдо ярмаркасида ёнғин

Ҳиндистон шимолида жойлашган Мирут шаҳридаги савдо ярмаркасида чиққан ёнғин туфайли 45 киши ҳалок бўлди. 50 нафардан ортиқ киши турли даражада жароҳатланди. Полиция маълумотларига қараганда, ёнғин электр симларининг қисқа туташувидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаяпти.

«Савдогарбанк» акциядорлари диққатига!

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи

SAVDOGAR BANK

«САВДОГАР»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

навбатдаги акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. *«Савдогарбанк»нинг 2005 йил фаолияти натижалари бўйича банк бошқарувининг ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2006 йилги асосий вазифалари тўғрисида.*
2. *«Савдогарбанк»нинг 2005 йил бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида.*
3. *Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.*
4. *Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида.*
5. *Банк бошқаруви раиси ва унинг таркибини ҳамда бошқарув раиси билан тузиладиган шартномани тасдиқлаш тўғрисида.*
6. *Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.*
7. *Банк номини ўзгартириш ҳамда янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида.*

Йиғилиш 2006 йил 12 май куни соат 10.00да Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 76-уйда ўтказилади.

«Савдогарбанк» кенгашининг 2006 йил 11 апрелдаги йиғилиши қарорига асосан, банк акциядорларининг реестри 2006 йил 12 апрелда ёпилади.

Маълумот тартиб рақами — 07

Йиғилиш қатнашчилари 2006 йил 12 май куни соат 8.30дан 9.45гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишга шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Маълумот учун телефонлар: 54-18-65, 361-30-29. *Банк кенгаши*

АУДИТОРИЯ ОЦЕНИТ

ПРЕЗЕНТАЦИЮ С ПРОЕКТОРОМ HP DIGITAL PROJECTOR



УНИВЕРСАЛЬНЫЙ ПРОЕКТОР
HP DIGITAL PROJECTOR VP6311

- Яркость 1600 ANSI-люмен (макс.)
- Исходное разрешение SVGA (800 x 600 т/д)
- Поддерживаемые разрешения от VGA (640 x 480 т/д) до SXGA+ (1400 x 1050 т/д)
- Вес 3,5 кг
- Стандартный ресурс лампы 4000 часов, до 8000 часов в эконом. режиме
- Контрастность 2000:1

МОБИЛЬНЫЙ ПРОЕКТОР
HP DIGITAL PROJECTOR VP6321

- Яркость 2000 ANSI-люмен (макс.)
- Исходное разрешение XGA (1024 x 768 т/д)
- Поддерживаемые разрешения от VGA (640 x 480 т/д) до SXGA+ (1400 x 1050 т/д)
- Вес 3,5 кг
- Стандартный ресурс лампы 4000 часов, до 8000 часов в эконом. режиме
- Контрастность 2500:1



МОБИЛЬНЫЙ ПРОЕКТОР
HP DIGITAL PROJECTOR MP3135

- Яркость 1800 ANSI-люмен (макс.)
- Исходное разрешение XGA (1024 x 768 т/д)
- Поддерживаемые разрешения от VGA (640 x 480 т/д) до SXGA+ (1400 x 1050 т/д)
- Вес 1,7 кг
- Контрастность 2000:1
- Опционально: проведение презентаций без ПК и подключение проектора к проводным и беспроводным сетям

Создайте себе репутацию профессионала. Произведите впечатление на свою аудиторию реалистичной цветовой гаммой и превосходным качеством изображения Вашей презентации. Проецируйте с помощью цифрового проектора HP DIGITAL PROJECTOR яркие, контрастные, четкие и выразительные образы, которые обеспечат успех Вашей презентации в любой ситуации. HP DIGITAL PROJECTOR станет Вашим надежным помощником и в бизнесе, и в учебе, там, где важно не только привлекать, но и удерживать внимание к Вашим проектам.



Звоните сейчас, чтобы узнать больше!

AGATA

Agata Impex Ltd

Тел. 133 05 00.

2006 Preferred Partner

hp invent

©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Все права защищены.

Таҳририятга хат

1981 йилда биз яшаётган ҳовли бузилиб, ўрнига темир йўл бошқармаси томонидан кўп қаватли уй қурилди. Кейинчалик ўша уйдан бизга ҳам хонадон ажратилди. Бир йил ўтгач, уй олдига гараж қурдим. Бу ерда худди шундай яна 22 та гараж бор. 2001 йили Ҳамза тумани гаражлар бошқармаси ходимлари биз яшаётган кўп қаватли уй туман ҳокимлиги тасарруфига ўтгани ва гаражларимизни рўйхатдан ўтказиш лозимлигини айтишди. Шунга асосан, ўша йилнинг 14 ноябрь куни талаб қилинган ҳолда шартнома туздим ва тегишли пулни тўладим. Шундан буён бу шартнома ҳеч ким томонидан бекор қилинмаган.

Гаражимни ноҳақ бузишди

Кейинроқ туман ҳокими қарори билан тажриба сифатида гаражлар бошқармаси тугатилди ҳамда гаражлар уй-жой мулкдорлари ширкатлари ихтиёрига ўтказилди. Лекин иш охирига етказилмади. Ҳисоб-китоб механизми ишлаб чиқилмагани боис ширкатлар гаражлар учун тўланадиган пулни олмади. 2005 йилда гаражлар бошқармаси яна тикланди. Мен ҳам бошқалар қатори гаражимни қайтадан рўйхатдан ўтказдим. Талаб қилинган пулни тўлаганимдан сўнг янгидан ҳужжат олдим.

Лекин ўтган йилнинг май ойида Ҳамза тумани ҳокимлиги гаражни бузиш бўйича даъво аризаси билан судга мурожаат қилди. Гўёки мен ўзбошимчалик билан гараж, товуқхона қуриб олган эмишман. Орадан етти ой ўтгач, гаражлар бошқармаси ҳам 2005 йилда мен билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида судга даъво аризаси берди.

Ўтган йилнинг 23 декабрь куни фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди ҳар икки даъвони ҳам қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарди. Шундан сўнг мен фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясига мурожаат қилдим. 2006 йил 10 февраль куни шикоятим ушбу судда кўриб чиқилди, лекин қаноатлантирилмади.

Жорий йилнинг 10 март куни Тошкент шаҳар суд ижрочилари Ҳамза бўлими суд ижрочиси А. Тиловов қарорини олдим. Унда беш кун муддатда суд қарорини ижро этишим, акс ҳолда 94000 сўм жарима тўлашим таъкидланганди. Бундай маблағим йўқлиги туфайли гаражни буздириб ташлашга мажбур бўлдим.

Мен врачман. Қонунларни ҳуқуқшунослар даражасида билмайман. Лекин гаражимнинг барча ҳужжатлари бор эди. Таъкидлаганимдек, у бундан 24 йил бурун қурилган. Барча солиқ ва тўловларни вақтида тўлаб келганман. Гаражимни бузишдан олдин қонун бўйича менга бошқа жой кўрсатилиши керак эмасми? Суд қарорида, «Жой кўрсатилди, лекин у рози бўлмади», деб ёзиб қўйишибди. Тўғри, менга «Маҳалла» жамғармаси раиси иккита жой кўрсатди. Лекин у ерлардан инженерлик коммуникациялари ўтган. Бундай жойларга қурилиш қилиш мумкин эмаслигини ёш бола ҳам билади.

Гараж қуриш учун жой ва лойиҳа кўрсатилган ҳолда туман ҳокимининг қарори керак-ку, ахир? Менга шундай қарор бермай туриб, гаражимни буздиришди. Хўш, унинг пулини ким тўлайди? Мен машинамни энди қаерда сақлайман? Уни ўғирлаб кетишса ким жавоб беради? Шу саволларга мен туман ҳокимлиги ва тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларидан жавоб кутаман.

Г. БАТУСЕВИЧ.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 25-уй, 28-хонадон.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

DM DEMIR Тел.: 68-26-59, 184-83-25, 184-83-26.
Тел./факс 68-17-11.
E-mail: siruba@dmrgroup.com.tr mac_erdogan@yahoo.com

ШВЕЙНЫЕ МАШИНЫ ВСЕХ ТИПОВ и др. ТЕКСТИЛЬНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ

SiRUBA

INDUSTRIAL SEWING MACHINE

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

г. Ташкент, ул. Паркентская, 51.

HYUNDAI Official Partner

«DONG NAM MOTORS CO. LTD.» официальный дистрибьютор HYUNDAI MOTOR COMPANY

Трансмиссия — **5 ступ. мех. КПП**, цвет металлик — устричный голубой, антиблокировочная система тормозов, подушки безопасности — 2 шт., люк на крыше, дуги на крыше под багажник, брызговики передние + задние, передние противотуманные фары, кожаный обод рулевого колеса и рукоятки КПП, обогрев передних сидений, безключевой вход и сигнализация, система врезного замка, элек. обогреваемые внешние зеркала, кондиционер ручной настройки, воздушный фильтр, автоматический чейнджер CD на 8 дисков, антенна.

В РАССРОЧКУ до конца года

г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24. Тел./факс (998-71) 152-17-25.
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

«SANTA FE GLS» — двигатель 2 400 см³ бензин 4WD

Цена – 59 990 000 сум.

Товар сертифицирован

ПРЕДСТАВЛЯЕТ: Sonata NF, Elantra, XG, Tucson, Santa Fe, Terracan, Coupe, Matrix, H-1 (Starex)

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 мартдаги 22-06.01.-157-сонли иш бўйича кабул қилган қарорига мувофиқ, МЧЖ шаклидаги

«УНИХО» қўшма корхонаси банкрот деб топилган

ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Хоразм вилоят хўжалик судининг 2006 йил 28 мартда 22-06.01.-157-сонли иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарорига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси вазифасига Казаков Бахтиёр тайинланган. Кредиторлар ўз талабларини билдиришлари учун «УНИХО» қўшма корхонасига ушбу эълон чоп этилган кундан эътиборан 2 ой ичида мурожаат қилишлари мумкин.

Кредиторлар йиғилиши 2006 йил 25 апрель соат 15.00да «УНИХО» қўшма корхонаси биносида ўтказилади.

Манзил: Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 45-уй. Телефон: 8 (362) 332171.8, факс 8(362) 3321010.

Спорт

Қаршида Фьючерс турнири

Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида ITF таснифига кирувчи Фьючерс турнири бошланди. Унда дунёнинг ўн мамлакатидан келган 50 дан ортиқ теннисчи иштирок этмоқда. Ўзбекистонлик Денис Истомин, Хитой Тайпейидан Ванг Ю ва россиялик Алексей Кедрюк ғолибликка асосий даъвогарлардан саналади.

Кеча халқаро турнирнинг очилиш маросими бўлди. Байрамона безатилган марказий теннис корти томошабинлар билан тўлди. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ва турнирнинг супервайзери Султон Ганжли спортчилар ва теннис ишқибозларини ажойиб спорт байрами билан табрикладилар. Қашқадарё вилоятининг етакчи теннисчиси Алексей Номозов мусобақа байроғини кўтарди.

Мусобақалар бошланди. Мукофот жамғармаси 15 минг АҚШ доллари бўлган бу нуфузли турнир 15 апрелда якунланади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Хоразм» дастлабки очкога эга бўлди

Футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионати 5-тур учрашувлари голларга бой бўлди. Бош жамоамиз «Пахтакор» ўзининг ғалабали одимини давом эттирмоқда. Пойтахтлик футболчилар бу сафар ўз майдонида «Тўполанг»ни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Чемпионат ўйинларини суст ўтказаётган «Хоразм» жамоаси «Металлург» билан 1:1 дуранг натижага эришиб, мавсумдаги даслабки очкони қўлга киритди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Навбаҳор» 3:0, «Андижон» — «Локомотив» 5:0, «Сўғдиёна» — «Шўртан» 0:0, «Насаф» — «Трактор» 2:0, «Қизилқум» — «Нефтчи» 2:3, «Бухоро» — «Самарқанд-Динамо» 4:0.

Бешинчи турдан сўнг чемпионатда «Пахтакор» жамоаси 15 очко билан карвонбошилик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Машъал» ҳисобида 13 очко бор. «Нефтчи» ва «Насаф» жамоалари 10 очко билан учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшу қари — маррада

Пойтахтимиздаги Ёшлик талабалар шаҳарчасида Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан "Спорт, экология ва саломатлик" шиори остида талабалар марафони ўтказилди.

Унда пойтахтимизда таҳсил олаётган талабалар билан бирга, фахрийлар ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройидан старт олган марафон «Университет», Талабалар ва Қамарнисо кўчалари бўйлаб давом этди. 2 минг метрга югуришда биринчилик қизлар ва йигитлар ўртасида ҳам Тошкент жисмоний тарбия институти талабалари Мария Мехела ва Павел Растригинга насиб этди. Фахрийлар ўртасида эса Игорь Мякота ғолиб деб топилди.

Марафон ғолиблари "Экосан" халқаро ташкилоти, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Қобил ХИДИРОВ.

Бўз туманидаги педагогика коллежи — истиқлол шарофати ила қад ростлаган юзлаб коллеж-лицейлардан бири. Бу ерда ўқувчиларнинг замон талабларига мос сабоқ олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Айниқса, коллежнинг кутубхонаси ғоятда бойлиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Мазкур коллежда бўлган киши, аввало, тартиб-интизомнинг яхши йўлга қўйилганлигидан бир яйраса, турли тўгараклар, қўшимча машғулотларда иштирок этаётган ўқувчиларнинг зукколикларидан баҳри-дили янада очилади.

СУРАТДА: коллеж қошидаги "Дуторчи қизлар" дастаси аъзолари Ҳилола Қўзиева ва Замира Қурбонова машғулотда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Марказий офицерлар уйида тиббий ижтимоий патронаж (ТИП) тизимининг 10 йиллиги муносабати билан анжуман бўлиб ўтди. 1996 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида тиббий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Саломатлик тадбири

Мазкур конференцияда тиббий ижтимоий патронаж тизимининг фахрийлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, тизим амалиётига ҳисса қўшган бир гуруҳ фаоллар қатнашди.

Шу ўринда Тиббий ижтимоий патронаж тизими ҳақида икки оғиз сўз. Унинг асосий мақсади ҳар бир оиланинг, хусусан, аёллар ва болаларнинг саломатлигини аниқлаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва унга тиббий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, тиббий маданиятни ошириш, соғлом оилани шакллантириш юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш каби вазифалардан иборат.

Бугунги кунда тизим дастурини амалга оширишда замонавий ташхис ускуналари билан жиҳозланган автоамбулансларда малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Мутахассислар томонидан тоғли, чўл ва бориш қийин бўлган туманлардаги аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга ёрдам кўрсатилмоқда. Жамғарма кам таъминланган оилаларга асосан ТИП жамоалари орқали доридармон, санитария-гигиена воситаларини етказиб бермоқда.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Давлатнинг салобати нимада?

Табиийки, ҳар бир миллат, халқ ва ҳар бир инсон ўзи яшаётган давлатнинг халқаро миқёсда мартабали, обрў-эътиборли, куч-қудратли, салобатли бўлишини хоҳлайди. Жумладан, биз, ўзбекистонликлар ҳам. Хўш, давлатнинг салобати, салмоғи, куч-қудрати нималарда кўринади? Бу савол ҳаммамизнинг хаёл-онгимиз ва қалбимизда бор. Шу боисдан бундай масалани диққат марказига қўйиб, унга жавоб излаш, жавоб топишга қаратилган ҳар бир илмий, сиёсий, фалсафий, бадиий ва публицистик асар эътиборимизни ўзига дарҳол жалб этиши табиий.

Шу маънода, таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Давлатнинг салобати» рисоласи ҳам айнан биз кутган китоблардан биридир. Унда бошдан-оёқ шу масала қўйилади. Бу саволга муаллиф тарихий ва замонавий ҳужжатлар асосида, қизиқарли илмий-ижодий мушоҳада юритиб, жавоб излайди.

Китобни ўқир экансиз, қарийб уч минг йилдан ортиқ тарихга эга миллий давлатчилигимиз тарихи худди шу масала нуқтаи назаридан қайтадан кўздан кечирилганлигига гувоҳ бўласиз. Кўз ўнгимизда узоқ асрлар мобайнидаги бунёдкорликлар ва вайронкорликлар тарихи жонланади. Муаллиф рисолада ўзбек давлатчилигининг ўтмишда ва ҳозирги кундаги салобатини, қудратини таъминлаган омиллардан бири — бунёдкорлик бўлганлигини, фақат қурган, яратган, бунёдкорликка муҳаббати кучли бўлган халқ, миллатгина ўз давлатининг ҳам салобатини таъминлай олишини муҳим, асосли, тарихий ва замонавий далилларга суяниб, тасдиқлаб, сўз юритади.

М. САФАРОВ.

Актёрлар — болалар меҳмони

Инсон маънавиятининг юксалишида театрнинг ўрни катта. Айниқса, ёшларнинг камол топишида театр ўзига хос тарбия мактаби ролини бажаради. Буни яхши англаган Республика давлат болалар кутубхонаси ходимлари яқинда "Театр — ҳаёт кўзгуси" мавзусида ижодий кеча ташкил этдилар.

Кечада иштирок этган «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда "Дийдор" театр-студиясининг таниқли актёрлари болажонларга ўз ижод фаолиятларида рўй берган қизиқарли воқеа-ҳодисаларни гапириб беришди. Шунингдек, "Сахий бобо", "Хўжа Насриддин" спектаклларидан парча ижро этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Москва цирки – Ўзбекистонда

Тошкент давлат цирки биносида Москва давлат катта циркининг гастроли давом этмоқда. Унда «Кремль юлдузлари» жамоасининг томошалари ўрин олган. Яқинда 35 йиллик юбилейини нишонлайдиган ушбу цирк усталари ўзларининг антиқа томошалари билан бутун дунёда машҳур. Уларнинг репертуаридан ўрин олган ҳайратомуз акробатик машқлар, масхарабозлик ўйинлари, ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари ўзбек цирк ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Гастрол шу йилнинг 15 апрелига қадар давом этади.

Х. ҚОБИЛЖОНОВ.

ҲУРМАТЛИ ЮК ЖЎНАТУВЧИЛАР, ЮК ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИЛАР ҲАМДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ МИЖОЗЛАР!

«ЙЎЛРЕФТРАНС» ОАЖ

Марказий Осиё ҳудудида тез бузилувчи юкларни рефрижератор вагонларида ташиш бўйича хизмат кўрсатувчи ягона корхона ҳисобланади.

Бизнинг корхонамиз қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини ва бошқа тез бузилувчан юкларни Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидан МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари манзилларига қисқа муддатларда етказиб беришни таъминлайди.

БИЗ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЎРСАТИШИМИЗ МУМКИН:

1. Юк ташишни режалаштириш ва Ҳамдўстлик темир йўл маъмуриятлари билан мувофиқлаштириш.
2. Юк ҳужжатларини расмийлаштириш.
3. Юк йўлкира тўловлари бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш.
4. Юкланган вагонларни бутун йўналиш давомида кузатиб бориш ва у ҳақда маълумот бериш.
5. Рефрижератор вагонларини мижозларга ижарага бериш.
6. Юк эгаларининг хоҳиш-истакларига биноан, рефрижератор вагонларини республиканинг исталган темир йўл бекатига қўйиб бериш.

Бугунги кунда фақатгина Ўзбекистон Республикаси юк жўнатувчилари учун мева-сабзавот маҳсулотлари рефрижератор вагонларида ташилган тақдирда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия давлатлари темир йўллари бўйича темир йўл ҳақи 40—50 фоизга арзонлаштирилган.

Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко к., 7-уй.
Боғланиш учун телефон рақамлари: 138-86-92, 138-84-74.

«HUQUQIY MADAD»
адвокатлик-маслаҳат фирмаси

2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга қўл урди.

МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.

"HUQUQIY MADAD" адвокатлик-маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.

Хизматлар лицензияланган

Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт, абонент қутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor.uz ва huquqiy_madad@yahoo.com

Шаҳар марказида жойлашган «ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ

қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:
* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.

Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.

Тошкент ш., «Ўзбекистон» к., 98-«А» уй. Тел.: 144-26-22, 395-81-23. Мўлжал: Киночилар уйи.

ШПАТЛЕВКА
OLIY SIFATLI
Юқори навли Қалбакилардан сақланинг
Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!
AzKO
(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 16. Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.
Tsh 64-0515991-01-2002
10

50 YIL PAXTAKOR
PAXTAKOR O'ZBEKISTON TOSHKENT 1956 - 2006
5 YIL KAPITALBANK
ОБЪЕДИНЯЯ ЦЕЛИ МЫ ДОСТИГАЕМ УСПЕХА!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқарма бошлиғи
Лев Петрович БАНДАКнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси тизимнинг «Ускунақурувчи» ОАЖ корхонасига узоқ йиллар мобайнида раҳбарлик қилиб келган
Борис Алексеевич СОРОКИНнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик техника ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази раҳбари Леонид Эйсмонтга онаси
Ефросинья ЭЙСМОНТнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институтнинг бошланғич ташкилоти кенгаши раиси, «Давлат ҳуқуқи тарихи» кафедраси ўқитувчиси Санжар Содиқовга отаси
Абдумажид СОДИҚОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги жамоаси республика таҳририяти мухбири Рустам Ҳайдаровга отаси
Ҳакимжон ҲАЙДАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.30 2345